



2017 йил „ 18 “ июль

№ ПҚ-ЗГЗ8

„ _____ “ _____ 20 _____ г.

**Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга
доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида**

Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, шижоатли ёшларни тарбиялаш ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида, давлат ва жамоат ташкилотларининг тақлифларини инобатга олиб:

1. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда – Дастур деб юритилади) 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.

2. Дастур ижросини таъминлаш бўйича Республика ишчи гуруҳи таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Республика ишчи гуруҳи (А.Н.Арипов):

Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг юқори савияда ва белгиланган муддатларда амалга оширилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ҳар чорак якуни бўйича ахборот киритиб борсин.

4. Вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар раҳбарлари зиммасига Дастурда кўрсатилган тадбирларнинг юқори савияда ва белгиланган муддатларда амалга оширилиши юзасидан шахсий масъулият юклансин.

5. Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва оммавий ахборот воситаларига Дастур тадбирларининг амалга оширилишини мунтазам равишда ёритиб бориш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси К.К.Куранбаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш. Мирзиёев

**Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга
доир комплекс чора-тадбирлар
ДАСТУРИ**

| № | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Бажариш мuddатлари | Молиялаш-тириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|---|--|--|--------------------|--------------------------|---|
| I. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятига оид ташкилий-ҳуқуқий базани шакллантириш | | | | | |
| 1. | Вазирлик, идора ва ташкилотлар, хўжалик бошқарув органлари томонидан йўналишлари бўйича ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар дастурини Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши билан келишиб ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | Чора-тадбирлар дастурлари | 2017 йил август | - | Вазирлик, идора ва ташкилотлар, хўжалик бошқаруви органлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев) |
| 2. | Вазирлик, идора ва ташкилотларда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш мақсадида уларнинг ташкилий тузилмаси ҳамда фаолиятини тартибга солувчи низомлар ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | Ҳамкорликдаги кўшма қарорлар | 2017 йил август | - | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев), вазирлик, идора ва ташкилотлар, хўжалик бошқаруви органлари |
| 3. | Вазирлик, идора ва ташкилотларнинг республика бошқарув органларида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг тегишли тизимлардаги бошланғич ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Етакчилар кенгашлари фаолиятини йўлга қўйиш. | Вазирлик, идоралар ва ташкилотларнинг ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари | 2017 йил сентябрь | - | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев), вазирлик, идора ва ташкилотлар, хўжалик бошқаруви органлари |
| 4. | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг давлат органлари, нодавлат ногижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро тизимли ҳамкорликни ривожлантиришни назарда тутадиган ҳамкорлик битимлари ва кўшма қарорларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | Ҳамкорлик битимлари ва кўшма қарорлар | 2017 йил сентябрь | - | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев), вазирлик, идора ва ташкилотлар, хўжалик бошқаруви органлари, сиёсий партиялар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар |

| № | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддатлари | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|----|---|--|--------------------|-------------------------|---|
| 5. | Вазирлик, идора ва ташкилотлар тизимларида фаолият юритаётган Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилот етакчиларини юқори лавозимларга захирага киритилишини таъминлаш. | Вазирлик, идоралар ва ташкилотларнинг ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари | 2018 йил январь | - | Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев), Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси (Р.Касимов), вазирлик, идора ва ташкилотлар, хўжалик бошқаруви органлари |
| 6. | Ёш салоҳиятли кадрларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши аппаратида республика ҳудудларидан келиб фаолият юритаётган ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига доимий пропискага қўйиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 октябрдаги 336-сон қарори билан тасдиқланган рўйхатга Ўзбекистон ёшлар иттифоқини киритиш. | Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси | 2017 йил сентябрь | - | Ички ишлар вазирлиги (А.Азизов), Миллий хавфсизлик хизмати (Р.Иноятов), Адлия вазирлиги (М.Икромов), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев) |
| 7. | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимларида самарали фаолият юритаётган ходимларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларни давлат бошқаруви органларидаги кадрлар захирасига киритиш механизминини жорий этиш. | Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаш қарори | 2017 йил октябрь | - | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев), вазирлик, идора ва ташкилотлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 8. | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги олий ўқув юртларига қабул бўйича давлат комиссиясига мурожаати асосида | Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси | 2017 йил октябрь | - | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Мажидов), Ўзбекистон ёшлар |

| № | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддатлари | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|-----|---|--|--------------------|--|--|
| 9. | <p>Иттифоқ тизимида кўп йиллик меҳнат стажига эга бўлган фидойи, табиий етакчилик қобилиятини намоён этган ёшлар, шунингдек, бошланғич ташкилотларида етакчи, сардор сифатида самарали фаолият кўрсатган фаол ёшларни олий таълим муассасаларига имтиёзли қабул қилиш бўйича таклиф ишлаб чиқиш ва жорий этиш.</p> <p>Имконияти чекланган ва ижтимоий химояга мухтож ёшлар билан ишлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш ва ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, уй-жой ажратиш масалаларини тартибга солиш тизимини жорий этиш.</p> | Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси | 2018 йил январь | Маҳаллий бюджет ва хомийлар маблағлари | <p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Шодмонов), Иқтисодиёт вазирлиги (Г.Саидова), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (А.Абдуҳакимов), Хотин-қизлар кўмитаси (Г.Нарбаева), Молия вазирлиги (Б.Ходжаев), Адлия вазирлиги (М.Иқрамов), Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши (Ш.Жавлонов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p> |
| 10. | Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг вазирлик, идора ва ташкилотлар тизимларидаги бошланғич ташкилотларда самарали меҳнат қилаётган етакчи ва сардорлар фаолиятини баҳолаш мезонлари ҳамда уларни рағбатлантириш механизмлари бўйича низом лойиҳасини тайёрлаш ва тасдиқлаш. | Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаш қарори | 2017 йил ноябрь | - | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев), вазирлик, идора ва ташкилотлар, хўжалик бошқаруви органлари |

| № | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддатлари | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|-----|---|--|--------------------|-------------------------|---|
| 11. | Ёшларга оид давлат сиёсати амалга оширилишини мунтазам равишда мониторинг қилиб бориш, соҳадаги мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирларни белгилаш. | Вазирлар Маҳкамаси чора-тадбирлар режаси | Ҳар чоракда | - | Вазирлар Маҳкамаси (А.Арипов), Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти (Ғ.Абдукаримов), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев), Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши (Ш.Жавлонов), Нодавлат нотажорат ташкилотлари миллий ассоциацияси (А.Каримов), вазирлик ва идоралар |
| 12. | Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари (Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, прокуратура, вазирлик ва идоралар), компания ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари иштирокида тегишли соҳа бўйича ҳар ойда камида бир маротаба ёшлар билан очиқ мулоқотлар ўтказиш тизимини жорий этиш. | Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаш қарори | Йил давомида | - | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси (Н.Исмоилов), Вазирлар Маҳкамаси (А.Арипов), Бош прокуратура (И.Абдуллаев), вазирлик ва идоралар, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари |
| 13. | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузурида “Ёшлар клуби”ни ташкил этиш. | Ҳамкорлик битими | 2017 йил октябрь | - | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси (Н.Исмоилов), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев), сийсий партиялар |

| № | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддатлари | Молиялаш-тириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|--|--|--|--------------------|--------------------------|--|
| II. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолияти самарадорлигини ошириш | | | | | |
| 14. | “Ёшлар” телерадиоканалида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши, унинг худудий ва маҳаллий кенгашлари фаолиятини мунтазам ёритиб бориш, Иттифок фаолияти билан ёшларни, айниқса, чекка худудлардаги ёшлар вакилларини яқиндан таништириш, ёшларга мўлжаллаб эфирга узатилаётган телекўрсатув ва радио эшиттиришлар сифатини тубдан яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. | Ҳамкорлик режаси | 2017 йил август | - | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (<i>К.Куранбаев</i>), Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси (<i>Х.Мирзахидов</i>) |
| 15. | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимида фаолият олиб бораётган ходимларни моддий рағбатлантириш, ойлик иш ҳақларини ошириш юзасидан таклиф тайёрлаш. | Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаш қарори | 2017 йил сентябрь | - | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (<i>К.Куранбаев</i>), Молия вазирлиги (<i>Б.Ходжаев</i>) |
| 16. | Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг “Ўқув бўлими услубчиси” лавозимига “Ёшлар етакчиси” вазифасини юклатиш ҳамда ушбу лавозимга Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг тегишли худудий Кенгаши тавсияси асосида ишга тайинлаш бўйича тартиб ишлаб чиқиш ва амалга киритиш. | Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг норматив-ҳуқуқий хужжати | 2017 йил август | - | Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази (<i>М.Холмухамедов</i>), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (<i>К.Куранбаев</i>), Молия вазирлиги (<i>Б.Ходжаев</i>) |
| 17. | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи нашрлари ҳисобланган “Туркистон”, “Молодёжь Узбекистана” газеталари, “Ёш куч” журналининг ижтимоий-сиёсий, бадий савиясини ошириш, уларнинг барча таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларга етиб бориши, материалларни ўқувчиларга тушунарли ва ҳаётий мисоллар асосида ёритиш ва оммавийлигини таъминлаш, ёшлар севиб ўқийдиган ҳамда уларни ўйлантирадиган муаммоларни ҳал этишга кўмаклашадиган матбуот нашрларига айлантиришга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш. | Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаш қарори | 2017 йил сентябрь | - | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (<i>К.Куранбаев</i>), Матбуот ва ахборот агентлиги (<i>К.Мансуров</i>), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (<i>И.Мажидов</i>), Халқ таълими вазирлиги (<i>У.Иноятов</i>), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |

| № | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддатлари | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|-----|--|--|--------------------|-------------------------|--|
| 18. | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи худудий ва туман (шаҳар) кенгашлари билан фуқаролар йиғини раисларининг ўринбосарлари – ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчилари ўртасида ҳамкорликни белгилловчи низом лойиҳасини ишлаб чиқиш ва амалга киритиш. | Кўшма қарор | 2017 йил ноябрь | - | Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши (Ш.Жавлонов), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев) |
| 19. | Янги қурилаётган, қайта қурилаётган ёки капитал таъмирланаётган таълим муассасалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари бинолари лойиҳаларига Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотининг хоналарини киритиш амалиётини жорий этиш. | Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаш қарори | 2017 йил октябрь | - | Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (Б.Зокиров), Молия вазирлиги (Б.Ходжаев), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев), давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 20. | Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳар бир туман (шаҳар)даги Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тасарруфига ўтказилиши белгиланган касб-хунар коллежлари биноларидан самарали фойдаланиш Концепциясини ишлаб чиқиш ҳамда ушбу биноларни сақлаш харажатлари манбалари юзасидан таклиф киритиш. | Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси | 2017 йил октябрь | - | Молия вазирлиги (Б.Ходжаев), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Мажидов), Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази (М.Холмухамедов), Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (Р.Гўлямов), |

| № | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддатлари | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|-----|---|---|-------------------------|---|--|
| | | | | | <p>Маданият вазирлиги (<i>М.Муратов</i>), Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси (<i>Р.Курбонов</i>), Савдо-саноат палатаси (<i>А.Икрамов</i>), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (<i>А.Шодмонов</i>), Адлия вазирлиги (<i>М.Икрамов</i>), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (<i>А.Абдуҳакимов</i>), Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (<i>А.Шаратов</i>), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (<i>Ш.Шерматов</i>)</p> |
| 21. | <p>Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим муассасаларининг бакалаврият ва магистратура йўналишларида тахсил олаётган талабалар орасидан ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи 86 фоиз ва ундан юқори, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг энг фаол аъзоси бўлган талаба ёшлар учун бир йиллик ўқув шартнома тўлови миқдорининг 35 фоизини тўлаб бериш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини ишлаб чиқиш ва амалга киритиш.</p> | <p>Кўшма қарор лойиҳаси</p> | <p>2017 йил октябрь</p> | <p>Ўзбекистон ёшлар иттифоқи маблағлари</p> | <p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (<i>И.Мажидов</i>), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (<i>К.Куранбаев</i>), Адлия вазирлиги (<i>М.Икрамов</i>), Молия вазирлиги (<i>Б.Ходжаев</i>)</p> |
| 22. | <p>Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимида самарали фаолият юритаётган истиқболли кадрларни муносиб ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ва рағбатлантириш мақсадида худудларда курилаётган Ёшлар уйларида ҳар йили 140 нафаргача уй-жойга муҳтож ходимларга имтиёзли ипотека кредитининг 25 фоиз миқдоридagi</p> | <p>Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаш қарори</p> | <p>2017 йил ноябрь</p> | <p>Ўзбекистон ёшлар иттифоқи маблағлари</p> | <p>Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (<i>К.Куранбаев</i>), Молия вазирлиги (<i>Б.Ходжаев</i>), Иқтисодиёт вазирлиги (<i>Г.Саидова</i>), Марказий банк (<i>М.Нурмуратов</i>)</p> |

| № | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддатлари | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|-----|--|--|--------------------|--|--|
| | бошлангич тўловини Иттифок маблағлари ҳисобидан тўлаб бериш тартибини ишлаб чиқиш ва амалга киритиш. | | | | |
| 23. | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимларида юқори малакали кадрларни жалб қилиш, Марказий Кенгаш ва худудий Кенгаш аппаратларида раҳбар лавозимларида самарали фаолият юритаётган кадрларни муносиб ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ва рағбатлантириш мақсадида Тошкент шаҳри ва худудлар марказида барпо этилаётган Ёшлар уйларида Иттифок балансига харид қилиб, уй-жойга муҳтож ходимларга мулк қилиб ажратиш бериш тартибини ишлаб чиқиш ва амалга киритиш. | Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаш қарори | 2018 йил январь | 3,0 млрд. сўм (хар йилда) Ўзбекистон ёшлар иттифоқи маблағлари | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (<i>К.Куранбаев</i>), Молия вазирлиги (<i>Б.Ходжаев</i>), Иқтисодиёт вазирлиги (<i>Г.Саидова</i>), Адлия вазирлиги (<i>М.Икромов</i>), Марказий банк (<i>М.Нурмуратов</i>), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 24. | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ходимлари ва фаолларини қўллаб-қувватлаш, халқаро талабларга жавоб берадиган ёш раҳбар кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида Иттифокнинг ташаббускор, масъулиятли ва етакчилик қобилиятига эга бўлган ходимлари ва фаолларини хорижий мамлакатларда малака ошириш тизимини йўлга қўйиш ҳамда нуфузли хорижий олий таълим муассасаларида ўз мутахассисликлари бўйича магистратура босқичида таълим олишларига кўмаклашиш, шунингдек хорижий мамлакатлардаги ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш бўйича тартиб ишлаб чиқиш ва амалга киритиш. | Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаш қарори | 2017 йил ноябрь | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи маблағлари | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (<i>К.Куранбаев</i>), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (<i>И.Мажидов</i>), Халқ таълими вазирлиги (<i>У.Иноятов</i>), Марказий банк (<i>М.Нурмуратов</i>), Молия вазирлиги (<i>Б.Ходжаев</i>), Ташқи ишлар вазирлиги (<i>А.Камиллов</i>), Ички ишлар вазирлиги (<i>А.Азизов</i>), Давлат тест маркази (<i>М.Каримов</i>) |
| 25. | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ҳузурида ахборот коммуникациялари ва технологиялари соҳаси бўйича малакали | Чора-тадбирлар дастури | 2017 йил ноябрь | - | Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги |

| № | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Бажариш мuddатлари | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|-----|--|--|--------------------|---|--|
| | мутахассислардан иборат гуруҳ шакллантириш ҳамда таниқли блоггерларни жалб этган ҳолда муқобил сайтлар ва ижтимоий тармоқлардаги гуруҳлар фаолиятини жонлантириш, ёшларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш юзасидан таклифлар тайёрлаш ва чора-тадбирларни белгилаш. | | | | (Ш.Шерматов), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев), Мабуот ва ахборот агентлиги (К.Мансуров), Нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси (Ф.Абдухаликов) |
| 26. | Турли соҳаларда юқори нагижаларга эришиб, тенгдошларига ўрнатилган ёшларни тасвирий тарғибот воситалари орқали кенг тарғиб қилиш мақсадида худудлар марказларида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг тарғибот майдонларини, электрон таблоларни ташкил этиш юзасидан таклиф киритиш. | Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаш қарори | 2017 йил ноябрь | - | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев), “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси (И.Латипов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Шерматов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 27. | Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг худудий ва маҳаллий Кенгашларини зарур мебель жиҳозлари, компьютер техникаси, белгиланган тарғибда алоқа воситалари, жумладан интернет тармоғи, оптик тола орқали видеоселектор тизими билан тўлиқ таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш. | Чора-тадбирлар дастури | 2017 йил ноябрь | 980,0 млн. сўм. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, маҳаллий бюджет ва хомийлар маблағлари | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Шерматов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |

| № | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Бажариш мuddатлари | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|-----|--|--|--------------------|--------------------------------------|--|
| 28. | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашига замонавий автобус ва LED экран харид қилиш ҳамда Марказий Кенгаш биносини қайта таъмирлаш чораларини кўриш. | Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармойиши лойиҳаси, чора-тадбирлар режаси | 2017 йил ноябрь | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи маблағлари | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев), Молия вазирлиги (Б.Ходжаев), Марказий банк (М.Нурмуратов), Божхона кўмитаси (М.Тоҳирий), Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси (Б.Закиров) |
| 29. | Тошкент шаҳрида жойлашган “Қитоб олами” мажмуасини Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тасарруфига ўтказиш ҳамда худудларда мажмуа тармоқларини ташкил этиш. | Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси | 2017 йил август | - | Мабуот ва ахборот агентлиги (К.Мансуров), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев), Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси (Р.Гўлямов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 30. | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши қошида “Ёшлар наشريёт уйи”ни ташкил этиш ҳамда унинг молдий-техник базасини замон талаблари асосида таъминлаш чораларини кўриш. | Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармойиши лойиҳаси | 2018 йил январь | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи маблағлари | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев), Ўзбекистон мабуот ва ахборот агентлиги, Давлат божхона кўмитаси (М.Тоҳирий), Марказий банк (М.Нурмуратов) |
| 31. | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши қошида ёшларнинг хоҳиш ва интилишларидан | Вазирлар Маҳкамаси қарорлари лойиҳалари | 2017 йил август | Ўзбекистон ёшлар | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев), Туризмни |

| № | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддатлари | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|-----|--|-------------------------|--------------------|--|---|
| | келиб чиқиб, турли йўналиш ва соҳаларда ёшлар уюшмалари ҳамда ёшларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш марказларини ташкил этиш. | | | иттифоқи ва хомийлар маблағлари | <p>ривожлантириш давлат қўмитаси (<i>А.Шарипов</i>), Фанлар академияси (<i>Б.Йўлдошев</i>), Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси (<i>Р.Қурбонов</i>), Хотин-қизлар қўмитаси (<i>Т.Нарбаева</i>), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (<i>А.Шодмонов</i>), Бош прокуратура (<i>И.Абдуллаев</i>), Адлия вазирлиги (<i>М.Икрамов</i>), “Ўзбекино” миллий агентлиги (<i>А.Мусаев</i>), Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси (<i>М.Аҳмедов</i>), Ўзбекистон фермерлари кенгаши (<i>С.Турдиев</i>), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (<i>Ш.Шерматов</i>), Савдо-саноат палатаси (<i>А.Икрамов</i>)</p> |
| 32. | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши қошида “Ёшлар пресс клуби”ни ташкил қилиш. | Ҳамкорлар қўшма қарори | 2017 йил август | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва хомийлар маблағлари | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (<i>Қ.Қуранбаев</i>), Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси (<i>Х.Мирзахидов</i>), Кинематографияни ривожлантириш маркази (<i>О.Абдушукуров</i>) |
| 33. | Ёшлар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатадиган замонамиз қаҳрамонлари образини яратиш ва | Чора-тадбирлар режаси | 2017-2020 йиллар | Ўзбекистон ёшлар | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (<i>Қ.Қуранбаев</i>), |

| № | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Бажариш мuddатлари | Молиялаш-тириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|--|--|--|--------------------|---|---|
| | уларнинг тарғиботини йўлга қўйишга хизмат қиладиган бадий, ҳужжатли, мультипликацион ва қисқа метражли фильмлар ва телесериаллар ишлаб чиқариш. | | | иттифоқи, давлат бюджет ва хомийлик маблағлари | “Ўзбекино” миллий агентлиги (О.Мусаев), Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси (Х.Мирзахидов), Кинематографияни ривожлантириш маркази (О.Абдушукуров) |
| 34. | Ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш ва уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган ҳамда миллий анъана ва қадриятларимизни улуғлашни тарғиб қилувчи ижтимоий видеороликларни яратиш ва уларнинг кенг намоийшини ташкил қилиш. | Чора-тадбирлар режаси | 2017-2020 йиллар | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва хомийлар маблағлари | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (Қ.Куранбаев), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (Х.Мирзахидов), Кинематографияни ривожлантириш маркази (О.Абдушукуров) |
| 35. | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизими ходимлари учун “Миллий ягона ID” ҳамда “Электрон кадрлар бошқаруви”ни жорий этиш мақсадида NFC карталарини тадбиқ этиш чораларини кўриш. | Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаш қарори | 2018 йил май | 650,0 млн.сўм Ўзбекистон ёшлар иттифоқи маблағлари | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (Қ.Куранбаев), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Шерматов), “Ўзбектелеком” АК (Ш.Қодиров), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| III. Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, битирувчи ёшлар бандлигини таъминлаш | | | | | |
| 36. | Ёшлар, айниқса уюлмаган ёшлар вакилларини тадбиркорликка жалб этиш бўйича маҳаллаларда фаолият олиб борадиган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бизнес-тренерлари фаолиятини йўлга қўйиш. | Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаш қарори | 2017 йил октябрь | - | Савдо-саноат палатаси (А.Икрамов), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (Қ.Куранбаев), Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари |

| № | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Бажариш мuddатлари | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижроичилар |
|-----|---|--|--------------------|--|--|
| 37. | Ёш тадбиркорларнинг хорижий давлатлардаги тадбиркорлик субъектлари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, тажриба алмашиш ҳамда тадбиркорликка оид халқаро кўргазма ва анжуманларда иштирок этишларига кўмаклашиш дастурини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш. | Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаш қарори | 2017 йил октябрь | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва хомийлик маблағлари | фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши (Ш.Жавлонов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Савдо-саноат палатаси (А.Икромов), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев), Ташқи ишлар вазирлиги (А.Комиллов) |
| 38. | Ёшлар учун бенул спорт машгулотлари фаолиятини йўлга қўйган тадбиркорлик субъектларига кўшимча имтиёзлар бериш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш. | Ўзбекистон Республикаси Президентини қарори лойиҳаси | 2017 йил ноябрь | - | Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси (Р.Қурбонов), Савдо-саноат палатаси (А.Икромов), Иқтисодиёт вазирлиги (Г.Саидова), Молия вазирлиги (Б.Ходжаев), Давлат солиқ қўмитаси (Б.Партиев), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев), Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (Р.Гулямов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |

| № | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддатлари | Молиялаш-тириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|-----|--|--|--------------------|--------------------------------------|---|
| 39. | Хунармандчилик йўналишидаги тадбиркор ёшлар, айниқса, қизлар учун минитехнологиялар, асбоб-ускуна ва зарур жиҳозларни имтиёзли кредитлар асосида ўрнатиб бериш ҳамда ёш тадбиркорлар томонидан пенсия жамғармасига тўланадиган мажбурий сугурга бадалини олинган кредитларни қоллашга йўналтириш тартибини ишлаб чиқиш ва амалга киритиш. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси | 2017 йил декабрь | - | Вазирлар Маҳкамаси (Ж.Қўчқоров), Молия вазирлиги (Б.Ходжаев), Хунарманд уюшмаси (А.Ҳакимов), Иқтисодиёт вазирлиги (Т.Саидова), Давлат солиқ қўмитаси (Б.Партиев), Марказий банк (М.Нурмуратов) |
| 40. | 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ёшларни яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун давлат рўйхатидан ўтишида мажбурий тўловлардан озод қилиш ҳамда 18 ёшга тўлгунига қадар қатъий белгиланган солиқлар миқдорини икки бараваргача камайтириш бўйича таклиф ишлаб чиқиш. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси | 2017 йил декабрь | - | Молия вазирлиги (Б.Ходжаев), Давлат солиқ қўмитаси (Б.Партиев), Савдо-саноат палатаси (А.Икрамов), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев) |
| 41. | Тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган ёшлар, айниқса касб-хунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолияти учун кредит олишида гаров таъминоти масаласини ҳал этиш мақсадида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ёшларни гаров таъминоти билан таъминлаш, ёшларнинг инновацион бизнес лойиҳаларига грантлар ажратиш, самарали бизнес лойиҳаларни кредитлаш мақсадида “Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш маркази” қошида кафолатлаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш. | Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаш қарори | 2018 йил январь | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи маблағлари | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев), Марказий банк (М.Нурмуратов), Савдо-саноат палатаси (А.Икрамов), Давлат солиқ қўмитаси (Б.Партиев), Иқтисодиёт вазирлиги (Т.Саидова), тижорат банклари |
| 42. | Ёшлар бандлигини таъминлаш, айниқса уюшмаган ёшларни мавсумий ва доимий ишларга жойлаштиришга қўмақлашиш, қолаверса улар ўртасида меҳнатсеварлик ва меҳнат тарбияси фазилатларини шакллантириш мақсадида “Ёшлар | Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаш қарори | 2018 йил февраль | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи маблағлари | Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (Б.Закиров), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев), Иқтисодиёт |

| № | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Бажариш мuddатлари | Молиялаш-тириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|-----|--|--|--------------------|--------------------------|---|
| | қурилиш инвест” компаниясини ташкил этиш бўйича таклиф ишлаб чиқиш. | | | | вазирлиги (Г. Саидова), Молия вазирлиги (Б. Ходжаев), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (А. Адӯҳақимов), тижорат банклари |
| | IV. Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, ёшларда китобхонлик маданиятини юксалтириш, мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш | | | | |
| 43. | Ёшларни турли зарарли ғоялар таъсиридан асраш, уларнинг тарбияси, одоб-ахлоқи учун ота-оналарнинг масъулияти ва жавобгарлигини кучайтиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича амалдаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш. | Қонун лойиҳаси | 2017 йил сентябрь | - | Адлия вазирлиги (М. Икромов), Ички ишлар вазирлиги (А. Азизов), Халқ таълими вазирлиги (У. Иноятов), манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| 44. | Ёшларни мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар билан доимий таништириб бориш, улар ўртасида ҳуқуқий маданият, маънавият ва соғлом турмуш тарзи тарғиботи ишларини самарали ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ҳузурида “Ёш тарғиботчилар мактаби”ни ташкил қилиш. | Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаш қарори | 2017 йил ноябрь | - | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К. Куранбаев), Республика маънавият тарғибот маркази (Н. Қосимов), Халқ таълими вазирлиги (У. Иноятов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И. Мажидов), Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази (М. Холмухамедов), Адлия вазирлиги (М. Икромов), Ички ишлар вазирлиги (А. Азизов), Соғлиқни сақлаш Миллий телерадиокомпания (Х. Мирзахидов) |

| № | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Бажариш мuddатлари | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|-----|---|--|--------------------|---|---|
| 45. | Ёш авлоднинг китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш, уларнинг интеллектуал салохияти ҳамда маънавий савиясини юксалтириш мақсадида “Ёш китобхон” республика танловини ташкил этиш ва ғолибларини “Президент совгаси” – енгил автотранспорт воситаси билан тақдирлаб бориш юзасидан низом лойиҳасини ишлаб чиқиш ва амалга киритиш. | Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаш қарори | 2017 йил октябрь | 300,0 млн.сўм Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва хомийлар маблағлари | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев), Мабуот ва ахборот агентлиги (К.Мансуров), Республика маънавий тарғибот маркази (Н.Қосимов), Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси (М.Аҳмедов), “Ўзавтосаноат” АК (У.Розулов), Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси (Х.Мирзахидов) |
| 46. | Хорижий давлатларда таълим олаётган ва меҳнат қилаётган Ўзбекистонлик ёшларни миллий кадриятлар ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида миллий байрамлар ва муҳим саналарни муносиб нишонлашга қаратилган “Ёш ватандошлар” фестиваллари ҳамда “Ватан равнақи йўлида бирлашайлик” шиори остидаги форумлар ташкил этиш ва уларни мазкур тадбирларга кенг жалб қилиш юзасидан таклиф киритиш. | Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаш қарори | 2018 йил март | - | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев), Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси (А.Хаджаев), Ташқи ишлар вазирлиги (А.Комилов), Ички ишлар вазирлиги (А.Азизов), Маданият вазирлиги (М.Муратов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Мажидов), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (А.Абдуҳақимов), Республика маънавий тарғибот маркази (Н.Қосимов) |
| 47. | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан Интернет тизими орқали маънавий тарғибот ишларини, жумладан, электрон китобхонлик тизимини яратиш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. | Чора-тадбирлар режаси | 2017 йил декабрь | - | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги |

| № | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Бажариш мuddатлари | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижроичилар |
|-----|---|---|----------------------------------|--|--|
| 48. | <p>Ёшлар ўртасида ташкил этилаётган профилактик ва тарғибот-ташвиқот тадбирларининг самарадорлигини ошириш, диний экстремизм, терроризм, ақидапараствлик ва миссионерликка қарши кураш борасидаги билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотлари етакчилари учун қисқа мuddатли ўқув курсларини ташкил этиш.</p> | <p>Чора-тадбирлар дастури</p> | <p>2017-2018 йиллар давомида</p> | <p>Ўзбекистон ёшлар иттифоқи маблағлари</p> | <p>Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев), Дин ишлари бўйича қўмига (О.Юсунов), Республика маънавият тарғибот маркази (Н.Қосимов), Миллий гоё ва мафкура илмий-амалий маркази (А.Маврӯлов), Ўзбекистон мусулмонлари идораси (У.Алимов), Ички ишлар вазирлиги (А.Азизов), Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши (Ш.Жавлонов), Тошкент ислом университети (Р.Абдуллаев)</p> |
| 49. | <p>“Ёшлар кутубхонаси” рўқнида чоп этилаётган миллий ва жаҳон адабиёти дурдоналари тўпламларини барча таълим муассасалари кутубхоналарига етказиш ва ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш.</p> | <p>Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши, Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг чора-тадбирлар режаси</p> | <p>2017-2020 йиллар давомида</p> | <p>10,0 млрд. сўм. (ҳар йилда) Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, республика бюджетси ва хомийлар маблағлари</p> | <p>Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Мажидов), Халқ таълими вазирлиги (У.Иноятов), Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази (М.Холмухамедов), “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси (И.Латилов)</p> |

| № | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Бажариш мuddатлари | Молиялаш-тириш манбалари | Масъул ижроичилар |
|--|--|---|--------------------|---|--|
| V. Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёга чиқариш, ёшларнинг ижтимоий химоя тизимини мустаҳкамлаш | | | | | |
| 50. | Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг мамлакатимиздаги Темурбеклар мактаблари фаолиятида оталиқ ташкилот сифатида иштирок этишини белгилловчи чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ва Мудофаа вазирлигининг чора-тадбирлар режаси | 2017 йил сентябрь | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи маблағлари | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев), Мудофаа вазирлиги (К.Бердиев) |
| 51. | Ички туризмни ривожлантириш ҳамда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида барча қўлайликларга эга “Ёшлар поезда” тарғибот темир йўл составини ташкил этиш. | Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаш қарори | 2017 йил август | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва “Ўзбекистон темир йўллари” АК маблағлари | “Ўзбекистон темир йўллари” АК (А.Шужуров), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев), Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (А.Шарипов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 52. | Давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиб, ўзи фаолият юритаётган соҳа ривожига муносиб хисса қўшаётган, ватанпарварлиги ва садоқати билан тенгдошларига ибрат бўлаётган, халқ эътирофига сазовор ёшларни ҳар йили тантанали равишда тақдирлаш бўйича икки босқичли рағбатлантириш номинацияларини жорий этиш. | Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаш қарори | 2017 йил декабрь | 350,0 млн.сўм Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва ҳомийлар маблағлари | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев), манфаатдор вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 53. | Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида туман (шаҳар)ларда фаолият юритаётган ва фаолияти тўхтаган тегишли объектларни (кутубхоналар, китоб дўконлари, маданият уйлари, аҳоли дам олиш масканлари, кинотеатрлар, маданият ва истироҳат боғлари, спорт иншоотлари ва бошқа) тўлиқ хагловдан ўтказиш ва нагизалари бўйича тегишли чора-тадбирларни белгилаш. | Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаш қарори | 2017 йил декабрь | - | Маданият вазирлиги (М.Муратов), Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси (Р.Курбонов), “Ўзбеккино” миллий агентлиги (А.Мусаев), Матбуот ва ахборот агентлиги (К.Мансуров), |

| № | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддатлари | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|-----|---|---|-------------------------|-------------------------|---|
| 54. | <p>Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимида туризм хизматлари кўрсатишга ихтисослашган ташкилот моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда унинг фаолиятини такомиллаштириш мақсадида:</p> <p>– Иттифок ресурсларини инobatга олган холда ёшлар саёҳатини тизимли ва марказлашган холда уюштириш;</p> <p>– ёшларни туризм соҳасида тадбиркорликка қизиқтириш мақсадида улар учун тажрибали туроператорлар ва бошқа мутахассислар иштирокида маҳорат дарсларини ташкил этиш;</p> <p>– манфаатдор ташкилотлар томонидан уларни қўллаб-қувватлаш, жумладан имтиёз ва преференциялар бериш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.</p> | <p>Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаш қарори</p> | <p>2017 йил октябрь</p> | <p>-</p> | <p>Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p> |
| 55. | <p>Мулкчилик шаклидан қатъий назар, ҳар бир меҳнат жамоасида “устоз-шогирд” тизimini жорий этиш. Бунда, таълим муассасасини тамомлагандан кейин биринчи марта ишга қабул қилинган ходимга бир йил давомида тажрибали ходимни устоз сифатида бириктиришни назарда тутувчи таклифлар ишлаб чиқиш.</p> | <p>Бош келишув лойиҳаси</p> | <p>2017 йил ноябрь</p> | <p>-</p> | <p>Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (А.Абдуҳакимов), Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши (К.Рафиқов), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев) манфаатдор вазирлик ва идоралар</p> |
| 56. | <p>Ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида мамлакатимизда амалга оширилган ва амалга оширилиши режалаштирилган ишларни ўзида акс</p> | <p>Чора-тадбирлар дастури ва қўшма қарор лойиҳаси</p> | <p>2017 йил декабрь</p> | <p>-</p> | <p>Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев), Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси</p> |

| № | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддатлари | Молиялаш-тириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|-----|--|--|--------------------|---|---|
| | этирган видеороликлар тўпламини тайёрлаш ва кенг омма эътиборига хавола этиш. | | | | (Х.Мирзахидов), Нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси (Ф.Абдухаликов) |
| 57. | Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Марғилон ва Тошкент шаҳарларида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ёшлар меҳмонхоналарини куриш ва фойдаланишга топшириш. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тасарруфига ўтказиладиган коллежлар ётоқхоналари негизда ёшлар туризми учун хостеллар ташкил этиш. | Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси | 2017-2020 йиллар | 50,0 млрд.сўм Ўзбекистон ёшлар иттифоқи маблағлари | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев), Молия вазирлиги (Б.Ходжаев), Иқтисодиёт вазирлиги (Г.Саидова), тижораг банклари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги |
| 58. | Меҳрибонлик уйида тарбияланувчи ёшларнинг ҳуқук ва манфаатларини химоя қилиш, улар учун яратилган имконият ва шарт-шароитлар ҳолатини қайта кўриб чиқишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш. | Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаш қарори | 2017 йил ноябрь | - | Халқ таълими вазирлиги (У.Иноятов), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев), Молия вазирлиги (Б.Ходжаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги |

**Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир
комплекс чора-тадбирлар дастури ижросини таъминлаш бўйича
Республика ишчи гуруҳи
ТАРКИБИ**

1. Арипов А.Н. - Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири,
Республика ишчи гуруҳи раҳбари
2. Куранбаев К.К. - Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Давлат маслаҳатчиси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи
Марказий Кенгаши раиси, Республика ишчи гуруҳи раҳбари
ўринбосари
3. Нарбаева Т.К. - Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари,
Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси, Республика ишчи
гуруҳи раҳбари ўринбосари
4. Джурабаев А.А. - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Фан, таълим
ва ёшлар сиёсати масалалари ахборот таҳлил департаменти
мудири, Республика ишчи гуруҳи масъул котиби

**I. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятига оид
ташкилий-ҳуқуқий базани шакллантириш**

1. Икромов М.М. - Ўзбекистон Республикаси адлия вазири
2. Абдуллаев И.Б. - Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори
3. Азизов А.А. - Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири
4. Иноятов У.И. - Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири
5. Курбонов Р.Ж. - Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат
қўмитаси раиси
6. Рафиқов К.М. - Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси

**II. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолияти
самарадорлигини ошириш**

1. Мажидов И.У. - Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири
2. Ходжаев Б.А. - Ўзбекистон Республикаси молия вазири
3. Нурмуратов М.Б. - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси
4. Шерматов Ш.Х. - Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини ривожлантириш вазири в.б.
5. Закиров Б.И. - Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш
қўмитаси раиси
6. Мирзахидов Х.М. - Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси раиси

**III. Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш,
битирувчи ёшлар бандлигини таъминлаш**

1. Абдухакимов А.А. - Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари
вазири
2. Парпиев Б.Р. - Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси
3. Икромов А.И. - Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси раиси

4. Холмухамедов М.М. - Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари – Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази директори
5. Турдиев С.Т. - Ўзбекистон Фермерлари кенгаши раиси
6. Лавозимиға кўра - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари

IV. Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, ёшларда китобхонлик маданиятини юксалтириш, мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш

1. Маврулов А.А. - Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари
2. Юсупов О.О. - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита раиси
3. Косимов Н.У. - Республика маънавият тарғибот маркази раҳбари в.б.
4. Нуриддинов А.В. - Ўзбекистон Бадий академияси раиси
5. Мусаев А.Э. - “Ўзбеккино” миллий агентлиги бош директори
6. Лавозимиға кўра - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари

V. Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, ёшларнинг ижтимоий ҳимоя тизимини мустаҳкамлаш

1. Муратов М.М. - Ўзбекистон Республикаси маданият вазири
2. Шадманов А.К. - Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири
3. Шарапов А.Қ. - Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси раиси
4. Шукуров А.С. - “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари
5. Султанов А.С. - “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамияти раиси
6. Санақулов Қ.С. - “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонаси бош директори
7. Жавлонов Ш.С. - Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси
8. Юлдашев Б.С. - Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти
9. Лавозимиға кўра - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари

Изоҳ: Республика ишчи гуруҳи аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган (сайланган) ёки тегишли функциялар зиммасига юкланган шахслар киритилади.

